



## O'ZBEK TILSHUNOSLIGIDA "BILAN" BOG'LOVCHISI MASALASI

**Z.D.Mirzakarimova**

filologiya fanlari nomzodi, dotsent  
TDTUOF "O'zbek tili va adabiyoti" kafedrasida

**M.N.Qosimova**

katta o'qituvchi  
TDTUOF "O'zbek tili va adabiyoti" kafedrasida  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.8055355>

### ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 14-June 2023 yil  
Ma'qullandi: 17-June 2023 yil  
Nashr qilindi: 19-June 2023 yil

### KEY WORDS

*uyushgan bo'lak, biriktiruvchi bog'lovchi, informatik konnotatsiya, transformatsiya, kontragent komponent, denotativ, semantika*

### ABSTRACT

*Bu maqolada bilan bog'lovchisining turkiy tillardagi kabi o'zbek tilida ham ko'makchi, ham bog'lovchi vazifasida kelishi holatlari tahlil qilingan.*

Билан сўзи бошқа туркий тиллардаги каби ўзбек тилида ҳам асосан кўмакчи вазифасида қўлланади. Аммо ўзбек тилида унинг боғловчилик вазифаси ҳам бор. Буни дастлаб Ш.Ш.Шоабдурахмонов тилга олган. У бу боғловчи вазифасидаги билан сўзини бириктирувчи боғловчилар қаторига киритади. Шунингдек, у билан боғловчисини уюшган икки бўлакни бир-бирига боғлайди ва биргалик, бири иккинчисига эргашганлик информациясини билдиради деб кўрсатган. Шундан кейин қатор адабиётларда унинг фикри такрорланган. Масалан, академия маркаси билан 1966 йилда нашр этилган «Ҳозирги ўзбек адабий тили»нинг биринчи томида<sup>1</sup>, М.Мирзаев, С.Усмонов, И.Расуловлар томонидан педагогика факультетларига мўлжаллаб чиқарилган «Ўзбек тили дарслиги»да<sup>2</sup> ҳам шу кузатилади. Ҳатто, кўмакчилар қисми Ш.Шоабдурахмонов томонидан ёзилиб, академия маркаси билан нашр этилган. «Ўзбек тили грамматикаси»нинг биринчи китобида<sup>3</sup> педагогика институтларининг филология факультетлари учун мўлжалланган «Ҳозирги ўзбек адабий тили»нинг биринчи китобида<sup>4</sup> ҳам шу фикр такрорланади. Фақат Н.Н.Коклянова ўзининг мақоласида унга янги бир фикр илова қилган. Бунда у уюшиб келган эга билан боғловчиси воситасида боғланган бўлса, унинг кесими кўпликада қўлланади деб кўрсатган.

<sup>1</sup> Ҳозирги ўзбек адабий тили. 1-китоб / Ф.А.Абдурахмонов таҳрири остида. –Т.: Фан, 1966. –Б.361.

<sup>2</sup> Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. –Т.: Ўқитувчи, 1970. –Б.162.

<sup>3</sup> Ўзбек тили грамматикаси. 1-китоб. Т.: Фан, 1975. –Б.569.

<sup>4</sup> Ҳозирги ўзбек адабий тили. 1 қисм, Т.: Ўқитувчи, 1980. –Б.406.

Билан боғловчисининг бутун вазифавий хусусиятлари ҳақида анча муфассал фикр Т.Рустамовнинг кўмакчиларга бағишланган китобидагина берилган<sup>5</sup>. Шунинг учун қуйида **билан** боғловчисининг вазифалари ҳақида ўзимиз йиққан материалларни ўз нуқтаи назаримиздан текшириб, Т.Рустамов нуқтаи назарларига қиёслаб беришни лозим кўрдик.

Т.Рустамов таъкидлаб ўтганидек билан кўмакчиси фақат кўмакчи вазифасида қўлланмай, у боғловчи вазифасида ҳам келади<sup>6</sup>. Лекин унинг бу вазифавий тараққиёти ўзидан-ўзи тўғри келган шароитда кечган эмас. Унинг маълум информатик коннотацияси тараққий этиб, боғловчилик вазифасини юзага келтирган. Бунда унинг қуйидаги кўмакчилик вазифасини назарда тутиш мумкин: у воситасида тузилган феъл бошқарувидаги бирикманинг тобе компоненти иш-ҳаракатни бажаришда иштирок этган шахсни кўрсатади. Унинг бу грамматик маъноси Ф.Абдуллаев, Ф.Иброҳимовалар монографиясида ҳам қайд этилган<sup>7</sup>. Бунга мисол сифатида *Қобилбобо ёр-дўстлари билан кенгашиди* (А.Қаҳҳор) мисолини келтиради. Мисолдан кўриниб турибдики, иш-ҳаракатни бажарган Қобилбобо ҳам, бошқаришда иштирок этган ёр-дўстлари ҳам шахслардир. Шунинг учун уларнинг бири иккинчисига ҳаракат актида восита бўлиб қолмайди. Бунинг устига тузилган гап кесими ҳам биргалик нисбатидаги феълдир. Бу ҳаракат акти ағенси билан контрагенти ҳаракат бажаришда тенг ҳуқуққа келтириб қўяди. Грамматик нуқтаи назардан қаралганда, гапнинг эгаси бўлган Қобилбобо сўзи билан тўлдирувчи ёр-дўстлари сўзи худди уюшган бўлак вазифасидаги ҳаракатни бажаришда тенг ифода беради. Шунинг учун ҳам бундай гапларни шакллари нуқтаи назаридан ҳеч қандай ўзгартиришга учрамасдан уюшган эгали гап ҳолида осонликча трансформация қилиш мумкин. Бу ҳақда юқорида ҳам айтган эдик. Яъни: *ёр-дўстлар билан Қобилбобо кенгашиди*. Қуйидаги мисоллар ҳам шу характерга эга: *Зуфаржон уч кун давомида Дангалнинг ўғиллари билан бақамти туриб қудуқ қазишди* (Ш.Ашурова). *Намоз йигитлари билан бозоржойни айланиб юришганлиги ҳақидаги хабар бир зумда ҳамма ёққа тарқалди* (Х.Тўхтабоев). *Опаси ўнинчи синфни битираётган йили бир йигит билан қочиб кетишган эди* (Х.Султонов).

Бундай трансформациянинг аксини ҳам қилиш мумкин, яъни уюшган эганинг иккинчисидан олдинга олиб, биринчи эгани тўлдирувчига айлантиради. Масалан, *Шўрлик тақачи билан унинг кампири зор-зор йиғлаб қолаверибди* (О.Хусанов). Бу гапдаги уюшган эганинг биринчисини трансформация воситасида тўлдирувчига айлантирамиз: *Унинг кампири шўрлик тақачи билан зор-зор йиғлаб қолаверибди*. Бу трансформация қилинган гап семантикаси аввалги гап семантикасидан умуман фарққа эга эмас. Шунинг учун ҳам Д.Ашурова билан воситасида уюшиб келган эгали гапларнинг кўмакчисидан кейин пауза берилса, у тўлдирувчи вазифасига ўтади, деб кўрсатади<sup>8</sup>. Бироқ уни Т.Рустамов танқид қилиб, улардаги биргалик семантикаси сақланади, дейди<sup>9</sup>. Бу тўғри. Бироқ **билан** кўмакчисининг ҳам феъл бошқарувида

<sup>5</sup> Рустамов Т. Ҳозирги ўзбек адабий тилида кўмакчилар. –Т.: Фан, 1965. –Б.36-59.

<sup>6</sup> Рустамов Т. Ўша китоб. –Б.56-59.

<sup>7</sup> Абдуллаев Л.Ф., Иброҳимова Ф. Ўзбек тилида бошқарув. –Т.: Фан, 1982. –Б.105.

<sup>8</sup> Ашурова Д. Уюшиқ бўлакларда боғловчиларнинг қўлланишларига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 1960. -№2.-Б.52.

<sup>9</sup> Рустамов Т. Ҳозирги ўзбек адабий тилида кўмакчилар. –Т.: Фан, 1965. –Б.58.

контрагентни тўлдирувчи сифатида шакллантиришини ҳисобга олсак, биргалик семантикаси билан кўмакчисига хос эканини кўрамиз. Бу факт эса Т.Рустамов эътирозининг нотўғри эканлигини кўрсатади.

*Билан* кўмакчиси худди шу ўринда бириктирувчи боғловчилар (*ва*, *ҳам* каби) билан тенг функционал хусусиятга эга. Бироқ улардан ўзига хос томонлари билан фарқланади.

1. Бириктирувчи боғловчилар икки ва ундан ортиқ бўлакнинг уюшишида ўз вазифасини бажариши мумкин. Масалан, *Оқ, қизил ва сариқ гул очилди. Билан* боғловчиси воситасида уюшган эга иккидан ортиқ бўлмайди.

2. Бириктирувчи боғловчилар билан уюшган эга айнан бир ҳаракатни бажаргани ҳолда, бу бажариш бир-бири билан алоқасиз бўлиши ҳам мумкин. *Билан* боғловчиси воситасида уюшган эга кесимдан англашилган айтилган бир ҳаракатни бажариб, буни бирга амалга оширганлигини кўрсатади. Масалан, *Меливой ака билан Бекмурод янги ҳамроҳга тикилиб қолдилар* (О.Хусанов). Бу гапда *тикилиб қолмоқ* феълидан англашилган ҳаракатни *Меливой ака* ва *Бекмурод* сўзларидан англашилган шахслар биргаликда бажаришган. Уларнинг кузатиши бир-биридан узилган эмас. Шунинг учун ҳам феълда берилган кўплик стилистик зарурият ҳисобланади. Агар биз гапдаги *билан* боғловчиси вазифасидаги кўмакчи ўрнида *ва* боғловчисини қўлласак, гап семантикасида маълум семантик ўзгариш бўлади. Бунда *Меливой ака, Бекмуродлардан* англашилган шахслар *тикилиб қолмоқ* феълидан англашилган ҳаракатни бажарганлиги ифодаланса ҳам, бу ҳаракат бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда мустақил бажарилганлиги ўз ифодасини топади. Шунинг учун ҳам феъл бу ҳолда кўплик шаклини талаб қилмайди. Эътибор қилинг: *Меливой ака ва Бекмурод янги ҳамроҳга тикилиб қолди.*

3. *Билан* воситасида уюшиб келган эганинг бирини трансформация воситасида тўлдирувчига ўтказиш мумкин. Масалан, *«Шўрои исломчилар» билан қозоқ ўрислар тил бириктириб, аввал Жиззахни олмоқчи, кейин Қўқон тарафга ўтмоқчи экан* (О.Хусанов). Бу гапда гапнинг агеинси ҳам *«Шўрои исломчилар»* бирикмаси, ҳам *қозоқ ўрислар* бирикмасидир. Уларнинг уюшиб келганлигини боғловчи вазифасидаги *билан* кўмакчиси шакллантирган. Биринчи агеинси билан кўмакчиси воситасида тўлдирувчи вазифасига ўтказиш, яъни гапни трансформация қилиш мумкин. Эътибор беринг: *Қозоқ ўрислар «Шўрои исломчилар» билан тил бириктириб, аввал Жиззахни олмоқчи, кейин Қўқон тарафга ўтмоқчи экан.* Бу гапда *«шўрои исломчилар»* бирикмаси уюшган эганинг бири вазифасидаги агеинс эмас, балки контрагент вазифасида намоён бўлган. Бириктирувчи боғловчилар воситасида уюшган эгаларнинг бирини тўлдирувчига айлантириб бўлмайди. Яъни бириктирувчи боғловчи билан келган икки агеинсинг бирини гапни трансформация орқали контрагентга ўтказиб бўлмайди. Масалан, *Идорада Ботирали ва Низомиддинов қолди* (С.Аҳмад). Бу гапнинг агеинслари *Ботирали, Низомиддинов* сўзларида намоён бўлган бўлиб, уларнинг биринчи компонентини боғловчи билан бирга тўлдирувчи вазифасига ўтказиб бўлмайди, яъни контрагент ҳолида намоён қилиши мумкин эмас. Эътибор қилинг: *Идорада Низомиддинов Ботирали ва қолди.*

Кўриниб турибдики, гап стилистик шаклланмаган. Демак, бириктирув боғловчиси билан келган уюшган эгали гаплар трансформация имкониятига эга эмас.

4. *Билан* воситасида тузилган уюшиқ эгаларнинг бири биринчи ёки иккинчи шахс бўлса, уларни имплицит қўллаб кетиш ҳам мумкин. Бунда гап семантикасига ҳалал етмаган ҳолда эга тўлдирувчи вазифасига кўчади. Масалан, *У билан ҳеч сен ҳақингда гаплашмаганмиз* (Э.Усмонов). *Мабодо Пардабой билан бирга эмасмидинг?..* (О.Хусанов). Бу гапларда *билан* кўмакчисидан кейин биринчи ёки иккинчи шахс бирлик олмошларини қўйсақ, яна уюшган эга тикланади. Гап семантикасида ўзгариш бўлмайди. Бундай трансформацияни бириктирувчи боғловчиларда амалга ошириш мумкин эмас. Яъни, *Мабодо Пардабой ва сен бирга эмасмидинг?..* гапини *Мабодо Пардабой ва бирга эмасмидинг?* деб ўзгартириб бўлмайди.

5. Бириктирув боғловчилари барча денотатив ифодали сўзларни боғлаши ва улар уюшиб келиши учун восита вазифасини бажариши мумкин. Бироқ *билан* боғловчи сифатида чегараланган вазифага эга. У фақат от ва олмошларнинг уюшиб келишида восита вазифасини ўтайди.

6. Бириктирув боғловчилари воситасида уюшган бўлакларнинг ҳаммаси бир хил шаклда келиши мумкин. Лекин *билан* бириктирув боғловчи вазифасида қўлланганда, фақат кейинги бўлаккина бирор шаклда кела олади. Масалан, *Бухоро билан Хивадан бўлак ҳамма жой жумҳуриятга қарайдиган бўлди* (О.Хусанов). Бу гапда уюшиб келган *Бухоро* ва *Хива* сўзлари *билан* кўмакчиси орқали боғланган. Уларнинг фақат кейингисигина келишиқ қўшимчаси шакли билан келган. Бу шакл билан уюшган бўлакнинг ҳар иккаласи ҳам келиши мумкин эмас. Агар *билан* ёрдамчи сўзи ўрнида *ва* ёрдамчи сўзи қўлланганда эди, бу мумкин бўлар эди. Эътибор қилинг: *Бухородан ва Хивадан бўлак ҳамма жой жумҳуриятга қарайдиган бўлди*.

Бириктирув боғловчиси вазифасидаги *билан* ёрдамчи сўзининг бу хусусиятлари унинг кўмакчилик вазифасидан келиб чиққан ва биз юқорида қайд этган контрагентни ифода этувчи тўлдирувчини шакллантириш семантикаси билан боғлиқ.

*Билан* кўмакчисининг боғловчи вазифасида шаклланганлиги анча кенг ҳодисадир. Шунинг учун ҳам унинг воситасида уюшиб келган эга қайд этилган гапдаги кесим А.А.Коклянованинг мақоласи, Ф.Абдуллаев, Ф.Иброҳимоваларнинг монографиясида қайд этилганидек, кўпликда келади. Масалан, *Ўша кунни Йўлчи Иброҳимов билан Аҳмаджон Клебнев яна сўзга чиқдилар* (О.Хусанов). *Аламзада Мирза Ҳаким билан Замонбекнинг навкарлари Шаҳоб қишлоғи оралаб от қўйдилар* (Х.Тўхтабоев).

Боғловчи вазифасидаги *билан* бошқа гап бўлакларини боғлашда ҳам ўз вазифасини ўтайди.

1. У аниқловчиларнинг уюшиб келишида боғловчилик вазифасини ўтайди. Масалан, *Аммо Ҳайитбой билан Тўхташвойнинг аҳволига Намозбой қаттиқ ачинди* (Х.Тўхтабоев).

2. Ўрин ҳолининг уюшиб келишида. Масалан, *Самарқанд билан Бухорода зиёратгоҳ жойлар кўп*.

3. Тўлдирувчи уюшиб келганда боғловчилик вазифасини ўтайди. Масалан, *Сатторжон қалам билан довотни олди*.

*Билан* сўзи кўмакчи вазифасида қўлланиши билан бирга боғловчи вазифасида ҳам

келади. Билан ёрдамчи сўзининг боғловчилик вазифасида келиши унинг тўлдирувчилик вазифасида шаклланиши тараққиётдан юзага келган. Билан боғловчиси вазифасига кўра бириктирувчи боғловчилар қаторида туради. Бироқ вазифавий чегараланганлиги, трансформацияга мойиллиги, иккидан ортиқ бўлакни уюштира олмаслиги каби хусусиятлари билан ундан фарқланади. У гапнинг турли бўлакларини боғлаб кела олади.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:**

- 1.Абдуллаев Л.Ф., Иброҳимова Ф. Ўзбек тилида бошқарув. –Т.: Фан, 1982. –Б.105
- 2.Ашурова Д. Уюшиқ бўлакларда боғловчиларнинг қўлланишларига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 1960. -№2.-Б.52.
- 3.Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. –Т.: Ўқитувчи, 1970. –Б.162.
- 4.Мирзакаримова З.Д.Бошқарув боғланишидаги билан кўмакчили бирикмалар семантикаси.Монография.-Тошкент:Тафаккур томчилари,2021.-Б.34-35.
- 5.Рустамов Т. Ҳозирги ўзбек адабий тилида кўмакчилар. –Т.: Фан, 1965. –Б.58.
- 6.Ўзбек тили грамматикаси. 1-китоб. Т.: Фан, 1975. –Б.569.
- 7.Ҳозирги ўзбек адабий тили. 1 қисм, Т.: Ўқитувчи, 1980. –Б.406.



INNOVATIVE  
ACADEMY